

## СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси – Ўзбекистоннинг ижтимоий–иқтисодий ривожланиши, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудлар ҳолатини комплекс тавсифловчи Давлат статистика қўмитасининг чораклик нашри ҳисобланади. Статистик ахборотномада 2016 йил январь–декабрь ойлари якунлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг асосий статистик кўрсаткичлари чоп этилган.

Ушбу нашрда 2016 йилнинг I чорагидан бошлаб, ҳисобот даври учун статистик кўрсаткичлар Европа ҳамжамиятининг Иқтисодий фаолият турлари статистик таснифлагичига (NACE Rev.2) асосланган Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (ИФУТ–2) бўйича шакллантирилган ва тақдим этилган.

Шу билан бирга, мавжуд иқтисодий фаолият турларидан фойдаланишда ИФУТ–2 талаблари қўлланилган. Хусусан, фойдаланилаётган ёки қайта ишланаётган маҳсулотларни уларнинг янги турларига қайта шакллантиришга йўналтирилган барча фаолият турлари ишлаб чиқариш жараёнларига киритилган: тоғ–кон саноати ва очиқ конларни ишлаш, қайта ишлаб чиқариш саноати, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш, сув таъминоти, канализация тизими, чиқиндиларни йигиш ва утилизация қилиш, қурилиш (таснифлагичнинг B,C,D,E,F секциялари). Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини, иқтисодиёт тармоғи сифатида талқин қилишдаги тафовутни бартараф этиш мақсадида, янгилangan таснифлагичда қишлоқ хўжалиги фақатгина дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ўз ичига олмай, балки ўрмон ва балиқ хўжаликлари маҳсулотларини ҳам ўз ичига олади (Секция А “Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги”).

Шунингдек, халқаро статистика амалиётига мувофик, иқтисодий трендларни янада аниқроқ таҳлил қилиш мақсадида, Ялпи ички маҳсулот тузилмасидаги иқтисодий фаолият турларининг улуш кўрсаткичлари ялпи қўшилган қийматга нисбатан келтирилган (яъни, ЯИМ ҳажмидан маҳсулотларга солиқлар ва субсидиялар чиқарib ташланган).

Нашр 13 та тематик қисмлардан ташкил топган бўлиб, у асосий макроиқтисодий индикаторларни, шунингдек ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқариш, корхоналар ва ташкилотлар, жумладан кичик тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолияти, инвестицион фаоллик, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, саноат, қурилиш, бозор хизматларининг ривожланиш динамикаси тўғрисидаги статистика маълумотларини ўз ичига олади.



## ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ


Дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йилнинг январь–декабрида ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажми жорий нархларда 199 325,1 млрд. сўмни ташкил этди ва 2015 йилнинг январь–декабрига нисбатан ўсиш суръати 107,8 фоизга тенг бўлди.

2016 йилнинг январь–декабрида ЯИМнинг ўсишига, қурилиш (112,5 фоиз), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (113,4 фоиз), шунингдек ташиш ва сақлаш, ахборот ва алокса (107,1 фоиз) каби иқтисодий фаолият турларининг қўшилган қийматлари ўсиши асосий таъсир кўрсатди.


ЯИМ умумий ҳажмининг 81,3 фоизи иқтисодиётнинг нодавлат секторига, 18,7 фоизи – давлат секторига тўғри келди.

Январь–декабрда ялпи ички маҳсулотнинг тармоқлар таркиби (фоизда):

2015 й.




2016 й.



- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар

2016 йилнинг январь–декабрида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби қуидагича ифодаланади:



**КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР  
ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ**  
(фермер ва дехқон хўжаликларисиз)

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 285,3 мингтага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 268,4 мингтани ёки жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 94,1 фоизини ташкил қилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 23,5 фоизи), саноат (16,1 фоизи), қурилиш (8,3 фоизи), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (7,0 фоизи) соҳаларига тўғри келади.


2017 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича қўйидагича тақсимланади:

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	минг бирлик	якунга нисбатан фоизда	минг бирлик	якунга нисбатан фоизда
<b>Жами</b>	<b>285,3</b>	<b>100,0</b>	<b>268,4</b>	<b>100,0</b>
шу жумладан:				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	20,0	7,0	18,3	6,8
саноат	46,0	16,1	43,5	16,2
қурилиш	23,8	8,3	22,1	8,2
савдо	67,1	23,5	61,7	23,0
ташиш ва сақлаш	11,5	4,0	10,9	4,1
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	16,5	5,8	15,4	5,7
ахборот ва алоқа	6,9	2,4	6,4	2,4
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	8,4	3,0	8,2	3,1
бошқа фаолият турлари	85,1	29.9	81,9	30,5

Рўйхатга олинган корхона ва ташкилотлар умумий сонининг 86,5 фоизини нодавлат мулки шаклидаги корхона ва ташкилотлар, шундан 27,5 фоизини хусусий корхоналар, 1,8 фоизини чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 57,2 фоизини бошқа мулкчилик шаклларидағи корхоналар ташкил этади.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар–юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуидагича тақсимланади:

1 январь ҳолатига,  
умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида




2016 йилнинг январь–декабрида жами 32,7 мингта янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 31,7 мингта). Янги ташкил топган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми Тошкент шаҳри (республика бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 23,7 фоизи), Тошкент (9,1 фоизи), Фарғона (8,0 фоизи) ва Самарқанд (7,3 фоизи) вилоятларига тўғри келади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 26,1 фоизи савдо, 20,2 фоизи саноат ва 9,3 фоизи қурилиш соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 27,0 мингта корхона ва ташкилотлар фаолияти тутатилган бўлиб, улардан 5,5 мингтаси (жами фаолияти тутатилганлардан 20,3 фоизи) ихтиёрий тутатилиш тартибини қўллаш орқали тутатилган.

2016 йилнинг январь–декабрида ЯИМ ва иқтисодий фаолият турлари ҳамда ахоли бандлигига давлат ва нодавлат секторларининг нисбати қўйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



## КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК (БИЗНЕС)

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб – қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг фаолияти учун қулай муҳит яратиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар 2016 йилнинг январь–декабрида 31,8 мингдан ортиқ кичик бизнес субъектларини ташкил этиш имконини берди (бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 18,1 фоизга кўпdir).

2016 йилнинг январь–декабрида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг ЯИМдаги улуши 56,9 фоизни ташкил қилди (2015 йилнинг январь–декабрида 56,5 фоиз).

2016 йилнинг январь–декабрида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

– 19 963,2 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 40,3 фоизи) ўзлаштирилди ва 2015 йилнинг январь–декабрига нисбатан ўсиш суръати 122,9 фоизни ташкил қилди;

– 20 677,7 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 70,7 фоизи) бажарилди ва 2015 йилнинг январь–декабрига нисбатан ўсиш суръати 115,6 фоизни ташкил қилди;

– саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 50 020,8 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 45,0 фоизи) ёки 2015 йилнинг январь–декабрига нисбатан ўсиш суръати 116,2 фоизни ташкил қилди;

– 55 057,6 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилиб (республика жами хизматлар ҳажмининг 60,5 фоизи), 2015 йилнинг январь–декабрига нисбатан ўсиш суръати 115,7 фоизни ташкил қилди;

– чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 89,6 фоизи ёки 78 867,4 млрд. сўми (2015 йилнинг январь–декабрига нисбатан ўсиш суръати 117,7 фоизни ташкил қилди) шакллантирилди;

– 3 588,5 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 28,6 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 5 655,9 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 46,7 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди;

– автомобиль транспорти юк айланмасининг 8,2 фоизга (республика жами автомобиль транспорти юк айланмасининг 85,5 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 8,1 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 92,2 фоизи) кўпайиши таъминланди;

– 10 392,5 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 78,1 фоизи), шу жумладан банд бўлганларнинг 8 212,1 минг нафари якка тартиbdаги тадбиркорлар, 2 180,4 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди.


2016 йилнинг январь–декабрида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши қўйидагида ифодаланади:

	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм</i>	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, фоиз ҳисобида</i>
Саноат	50 020,8	48,2
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	47 577,5	100,0
Қурилиш	20 677,7	66,2
Чакана савдо	78 867,4	83,6
Юк ташиш, млн.тн	836,0	63,6
Йўловчи ташиш, млн.киши	7 070,2	91,4
Экспорт, млн. АҚШ долл.	3 588,5	3,8
Импорт, млн. АҚШ долл.	5 655,9	12,2

Кичик тадбиркорликнинг хусусий секторида иш билан банд бўлганлар сони 9 573,5 минг кишини ёки жами соҳада банд бўлганларнинг 92,1 фоизини ташкил қилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ҳажмида кичик тадбиркорликнинг улуши қўйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



## КОРХОНА ВА ОБЪЕКТЛАРНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси маълумотларига кўра, 2016 йилнинг январь – декабрида 609 та (дастур доирасидаги ва дастурдан ташқари объектларни қўшган ҳолда) корхона ва объектлар (кейинги ўринларда – объектлар) хусусийлаштирилди.

Ҳисобот даврида энг кўп хусусийлаштирилган объектлар сони Тошкент вилоятида 142 тани, Қорақалпоғистон Республикасида 69 тани, Фарғона вилоятида 64 тани, Сурхондарё вилоятида 52 тани, Қашқадарё вилоятида 51 тани ташкил этди.

Хусусийлаштирилган давлат мулки таркибида асосий улуш маҳаллий ҳокимиятларга тўғри келади ва 396 та объектни ташкил этади.

2016 йилнинг январь–декабрида давлат активларини сотишдан тушган пул маблағлари 164,8 млрд. сўмни ташкил қилди.

Ҳудудлар кесимида давлат активларини сотишдан тушган пул маблағларининг асосий қисми Тошкент шаҳрига (барча пул маблағларининг 55,0 фоизи), Тошкент (10,0 фоиз), Фарғона (6,1 фоиз), Наманган (5,3 фоиз), Бухоро (4,6 фоиз) вилоятларига тўғри келади.

## ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР

Дастлабки маълумотларга кўра 2016 йилнинг январь–декабрида ташқи савдо айланмаси 24 681,6 млн. АҚШ долларини, жумладан 12 567,6 млн. АҚШ долларини экспорт операциялари, 12 114,0 млн. АҚШ долларини – импорт операциялари ташкил этди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 453,6 млн. АҚШ долларига тенг бўлди.

2016 йилнинг январь–декабрида МДҲ ва бошқа давлатлар кесимида республиканинг ташқи савдо айланмаси қуидагича ифодаланади:


	<i>Млн. АҚШ доллари</i>	<i>Якунга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
<b>Ташқи савдо айланмаси</b>	<b>24 681,6</b>	<b>100,0</b>
МДҲ мамлакатлари	8 773,5	35,5
бошқа давлатлар	15 908,1	64,5
<b>Экспорт</b>	<b>12 567,6</b>	<b>100,0</b>
МДҲ мамлакатлари	4 716,9	37,5
бошқа давлатлар	7 850,7	62,5

Давоми

	<i>Млн. АҚШ доллари</i>	<i>Якунга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
<b>Импорт</b>	<b>12 114,0</b>	<b>100,0</b>
МДҲ мамлакатлари	4 056,6	33,5
бошқа давлатлар	8 057,4	66,5
<b>Сальдо</b>	<b>453,6</b>	<b>х</b>
МДҲ мамлакатлари	660,3	х
бошқа давлатлар	-206,7	х

Январь–декабрда республика ташки савдо айланмасида МДҲ ва бошқа давлатларнинг улуши қуидагича ифодаланади:

фоизда



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ СТАТИСТИК АҲБОРОТНОМАСИ**

---


2016 йилнинг январь–декабрида республика экспорт–импорти таркиби күйидагича ифодаланади:

	<i>Млн. АҚШ доллари</i>	<i>Таркиби, фоиз ҳисобида</i>
<b>Экспорт</b>	<b>12 567,6</b>	<b>100,0</b>
пахта толаси	6 37,2	5,1
озик–овқат маҳсулотлари	1 069,8	8,5
кимёвий маҳсулотлар ва ундан тайёрланган буюмлар	846,3	6,7
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	1 714,1	13,6
қора ва рангли металлар	713,2	5,7
машина ва ускуналар	220,5	1,8
хизматлар	3 209,9	25,5
бошқалар	4 156,6	33,1
<b>Импорт</b>	<b>12 114,0</b>	<b>100,0</b>
озик–овқат маҳсулотлари	1 439,7	11,9
кимёвий маҳсулотлар ва ундан тайёрланган буюмлар	2 119,6	17,5
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	589,0	4,9
қора ва рангли металлар	920,5	7,6
машина ва ускуналар	5 017,9	41,4
хизматлар	785,7	6,5
бошқалар	1 241,6	10,2

---

**Ташқи савдо айланмасининг  
қитъалар бўйича таркиби**

умумий ҳажмга нисбатан фоиз хисобида



2016 йилнинг январь–декабрида республика ташқи савдо айланмасида катта улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси:

	Млн. АҚШ доллари	2015 йилнинг январь–декабрига нисбатан фоиз хисобида	Республика товар айланмасида улуши, фоиз хисобида
Хитой	4 249,3	89,8	17,2
Россия	4 237,5	95,1	17,2
Қозоғистон	2 120,5	78,6	8,6
Туркия	1 175,9	97,8	4,8
Корея Республикаси	1 048,6	60,3	4,2
Афғонистон	545,0	122,4	2,2

*Давоми*


	<i>Млн. АҚШ доллари</i>	<i>2015 йилнинг январь–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида</i>	<i>Республика товар айланмасида улуши, фоиз ҳисобида</i>
Германия	520,1	98,7	2,1
АҚШ	453,8	167,7	1,8
Эрон	413,5	109,4	1,7
Ҳиндистон	370,0	115,9	1,5
Бразилия	355,2	111,3	1,4
Латвия	298,6	165,9	1,2
Литва	282,2	104,5	1,1
Франция	264,8	86,9	1,1
Япония	259,7	101,6	1,1
БАА	256,5	215,6	1,0
Украина	254,1	75,9	1,0
Туркманистон	212,9	66,5	0,9
Тожикистон	196,8	117,7	0,8
Италия	192,7	114,9	0,8
Швейцария	172,2	166,4	0,7
Қирғизистон	169,3	124,4	0,7
Буюк Британия	151,3	121,1	0,6

---

*Давоми*

	<i>Млн. АҚШ доллари</i>	<i>2015 йилнинг январь–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида</i>	<i>Республика товар айланмасида улуши, фоиз ҳисобида</i>
Польша	126,0	98,3	0,5
Беларусь	113,4	104,0	0,5
Австрия	109,3	141,3	0,4
Бангладеш	101,2	67,7	0,4
Грузия	90,8	92,4	0,4
Бельгия	80,2	96,3	0,3
Малайзия	78,8	86,4	0,3
Чехия Республикаси	78,7	94,4	0,3
Сингапур	73,5	70,3	0,3
Нидерландия	69,2	85,6	0,3
Испания	53,7	142,8	0,2
Индонезия	46,4	385,7	0,2
Исройл	41,1	96,7	0,2
Венгрия	40,7	91,0	0,2
Покистон	36,3	140,2	0,1
Словения	32,7	78,7	0,1
Финляндия	30,7	71,8	0,1

2016 йилнинг январь–декабрида МДҲ ва бошқа давлатлар билан амалга оширилган ташқи савдо таркиби қўйидагича ифодаланади:



## САНОАТ

2016 йилнинг январь–декабрида республикада 111 267,2 млрд. сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати 2015 йилнинг тегишли даврига нисбатан 106,0 фоизни ташкил этди. Ишлаб чиқариш қувватларини технологик жихатдан янгилаш бўйича чора тадбирларнинг амалга оширилиши меҳнат унумдорлигини 4,1 фоизга ошириш имконини берди.

Тармоқлар классификациясининг халқаро стандарти бўйича хисобот даврида саноат ишлаб чиқариш индекси, қурилишни қўшган ҳолда, 106,6 фоизни ташкил қилди.

Тадбиркорлик мұхитини такомиллаштириш ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни кўллаб–кувватлашга қаратилган чора–тадбирлар натижасида кичик бизнеснинг саноат умумий ишлаб чиқаришидаги улуши 45,0 фоизгача (ўтган йилнинг мос даврида 40,6 фоиз) ўсади.

Мамлакат ишлаб чиқарувчилари ўртасида кооперация алоқаларини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида 2016 йилнинг январь–декабрь ойларида 6 145,8 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Ҳисобот даврида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 47 359,2 млрд. сўмни ёки 2015 йилнинг шу даврига нисбатан 105,4 фоизни ташкил қилди, жумладан озиқ–овқат маҳсулотлари 23 617,2 млрд. сўмни ва 111,4 фоизни, ноозиқ–овқат маҳсулотлари эса 23 742,0 млрд. сўмни ва 100,1 фоизни ташкил қилди. Истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг жами саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 42,6 фоизга етди.

2016 йилнинг январь–декабрида иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш қуидагича ифодаланади:

	<i>Млрд. сўм</i>	<i>Ўсиш суръати, фоиз ҳисобида</i>
<b>Ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти ҳажми</b>	<b>111 267,2</b>	<b>106,0</b>
<b>Тоғ–кон саноати ва очиқ конларни ишлаш</b>	<b>11 332,7</b>	<b>102,3</b>
Улардан:		
кўмир, лигнит, нефть ва табиий газ қазиб олиш	6 350,3	102,5
металл рудаларини қазиб олиш	3 552,2	101,5
тоғ–кон саноати билан боғлиқ бошқа фаолият	967,9	120,8

*Давоми*

	<i>Млрд. сўм</i>	<i>Ўсиш суръати, фоиз ҳисобида</i>
--	------------------	--

<b>Қайта ишлаш саноати</b>	<b>89 282,0</b>	<b>106,7</b>
----------------------------	-----------------	--------------

ундан:


озик–овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш	26 708,4	110,8
тўқимачилик маҳсулотлари, кийим ва тери маҳсулотларини ишлаб чиқариш	18 800,4	111,7
машина ва ускуналарни ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва ўрнатиш, автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ва бошқа тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	12 414,6	83,2
кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	8 788,7	129,7
металлургия саноати	7 754,1	104,9
бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	6 125,9	113,8
кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	2 787,1	97,3
ёғоч ва пўкак буюмлар, похол ва тўқиши учун материаллардан буюмлар, қофоз ва қофоз маҳсулотлари ва мебел ишлаб чиқариш	2 264,0	112,8
ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	975,2	111,0
асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратларини ишлаб чиқариш	963,3	123,9

	Давоми	
	<i>Млрд. сўм</i>	<i>Ўсиши суръати, фоиз ҳисобида</i>
<b>Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш</b>	<b>9 896,6</b>	<b>103,7</b>
<b>Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндилярни йиғиш ва утилизация қилиш</b>	<b>755,9</b>	<b>111,1</b>
<b>Истеъмол товарлари</b>	<b>47 359,2</b>	<b>105,4</b>
шу жумладан:		
озиқ–овқат	23 617,2	111,4
ноозиқ–овқат	23 742,0	100,1


Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш қўйида келтирилган:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида

Январь-декабрь  
2015й.



Январь-декабрь  
2016й.




- ☒ Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш
- ☒ Қайта ишлаш саноати
- ☒ Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш
- Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндилярни йиғиш ва утилизация қилиш

## ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ

2016 йилнинг январь–декабрида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот(хизмат)ларини ишлаб чиқариш умумий ҳажми 48 431,1 млрд. сўмни ёки 2015 йилнинг шу даврига нисбатан 106,6 фоизни, шу жумладан дехқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳалардаги хизматларда – 48 087,5 млрд. сўмни (106,6 фоиз), ўрмон хўжалигига – 97,1 млрд. сўмни (101,8 фоиз), балиқчилик хўжалигига – 246,5 млрд. сўмни (121,6 фоиз) ташкил қилди.

Дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши қуидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



**Дехқончилик.** 2016 йилнинг январь–декабрида ишлаб чиқарилган дехқончилик маҳсулотларининг ҳажми 29 042,4 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 106,2 фоизни (2015 йилнинг январь – декабрида 106,7 фоиз) ташкил қилди.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йилда барча тоифадаги хўжаликларда қишлоқ хўжалик экинлари экилган жами майдони 3 706,5 минг гектарни ташкил этиб бу 2015 йилга нисбатан 11,4 минг гектарга кўпdir.

Дон экинлари экилган майдон 1 689,9 минг гектарни (2015 йилга нисбатан 18,3 минг гектарга кўп), картошка 84,6 минг гектарни (3,9 минг гектарга кўп), сабзавотлар 206,0 минг гектарни (11,9 минг гектарга кўп), полиз экинлари 58,8 минг гектарни (6,9 минг гектарга кўп), озука экинлари 334,3 минг гектарни (6,6 минг гектарга кўп) ташкил қилди.

2016 йилда асосий турдаги қишлоқ хўжалиги экинлари экилган майдон ва уларнинг таркибий тузилиши қуйидагича ифодаланади:

	<i>Минг гектар</i>	<i>Ўсиш суръати, фоиз ҳисобида</i>	<i>Жамига нисбатан, фоиз ҳисобида</i>
<b>Экин майдони</b>	<b>3 706,5</b>	<b>100,3</b>	<b>100,0</b>
Дон экинлари	1 689,9	101,1	45,6
шу жумладан:			
бошоқли	1 550,6	100,7	41,8
улардан буғдой	1 446,3	100,0	39,0
шоли	72,3	102,5	2,0
маккажўхори дон учун	39,7	106,4	1,1
бошқалар	27,3	113,8	0,7
Техник экинлар	1 332,4	97,4	35,9
шу жумладан: фўза	1 265,1	97,5	34,1
Картошка	84,6	104,9	2,3
Сабзавот	206,0	106,1	5,6
Полиз	58,8	113,2	1,6
Озукә экинлари	334,3	102,0	9,0

**Ҳосилни йиғиб–териб олиш.** 2016 йилнинг январь – декабрида барча тоифадаги хўжаликларда 8 263,8 минг тонна дон экинлари, шу жумладан 7 193,8 минг тонна бошоқли дон экинлари, шундан 6 940,5 минг тонна буғдой етиштирилди.

Ҳисобот даврида 2 958,3 минг тонна картошка қазиб олинди (2015 йилнинг январь–декабрига нисбатан 9,7 фоизга кўп), – 11 272,5 минг тонна сабзавот (11,3 фоизга кўп), 2 045,2 минг тонна озиқбоп полиз экинлари (10,4 фоизга кўп), 3 042,7 минг тонна мева ва резаворлар (10,8 фоизга кўп) ҳамда 1 735,3 минг тонна узум (9,9 фоизга кўп) етиштирилди.

**Чорвачилик.** 2016 йилнинг январь–декабрида чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 18 443,7 млрд.сўмни ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 107,1 фоизни (2015 йилнинг январь–декабрида 106,8 фоиз) ташкил қилди.

2016 йилнинг 1 январи билан солиширилганда барча тоифадаги хўжаликларда йирик шохли қорамоллар бош сони 528,1 минг бошга (4,5 фоизга), шу жумладан сигирлар сони 41,1 минг бошга (1,0 фоизга), қўй ва эчкилар сони 653,1 минг бошга (3,4 фоизга), паррандалар сони 4 688,4 минг бошга (7,7 фоизга) кўпайди.

Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 94,2 фоизни, фермер хўжаликларида эса 4,7 фоизни, сигирлар мос равища – 94,5 ва 4,6 фоизни, қўй ва эчкилар – 83,6 ва 7,5 фоизни, отлар – 85,1 ва 9,5 фоизни, паррандалар – 63,2 ва 11,8 фоизни ташкил қилди.

2017 йил 1 январь ҳолатига чорва моллари ва паррандалар сони қўйидагича ифодаланади:

	<i>Минг бош</i>	<i>Ўсиши суръати, фоиз ҳисобида</i>
<b>Йирик шохли қорамол</b>	<b>12 165,3</b>	<b>104,5</b>
шу жумладан:		
фермер хўжаликлиари	569,7	102,4
дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	11 464,1	104,7
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	131,5	103,2
<b>шу жумладан сигирлар</b>	<b>4 214,3</b>	<b>101,0</b>
шу жумладан:		
фермер хўжаликлиари	192,5	102,4
дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	3 983,5	100,9
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	38,3	104,1
<b>Қўй ва эчкилар</b>	<b>19 749,2</b>	<b>103,4</b>
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	1 490,0	106,0
дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	16 518,3	103,3
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	1 740,9	102,7

	<i>Минг бош</i>	<i>Давоми Ўсии суръати, фоиз ҳисобида</i>
<b>Отлар</b>	<b>221,2</b>	<b>102,1</b>
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	20,9	104,5
дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	188,2	102,1
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	12,1	99,5
<b>Паррандалар</b>	<b>65 758,9</b>	<b>107,7</b>
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	7 751,4	107,1
дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	41 568,1	105,7
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	16 439,4	113,3

2016 йилнинг январь–декабрида барча тоифадаги хўжаликларда 2 171,8 минг тонна (тирик вазнда) гўшт (2015 йил январь–декабрига нисбатан 6,8 фоизга кўп), 9 703,3 минг тонна сут (7,5 фоизга кўп), 6 111,7 млн. дона тухум (10,6 фоизга кўп), 37,1 минг тонна жун (2,8 фоизга кўп) етиштирилди.

2016 йилнинг январь–декабрида хўжалик тоифалари бўйича асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш қўйидагича ифодаланади:

	<i>Миқдори</i>	<i>Жамига нисбатан, фоиз ҳисобида</i>	<i>Ўсии суръати, фоиз ҳисобида</i>
<b>Гўшт (тирик вазнда), минг тн.</b>	<b>2 171,8</b>	<b>100,0</b>	<b>106,8</b>
шу жумладан:			
фермер хўжаликлари	62,1	2,9	106,4
дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	2 051,2	94,4	106,8
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	58,5	2,7	107,3

	<i>Mиқдори</i>	<i>Жамига нисбатан, фоиз ҳисобида</i>	<i>Ўсиш суръати, фоиз ҳисобида</i>
<b>Сут, минг тн.</b>	<b>9 703,3</b>	<b>100,0</b>	<b>107,5</b>
шу жумладан:			
фермер хўжаликлари	349,8	3,6	106,5
дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	9 283,3	95,7	107,5
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	70,2	0,7	108,9
<b>Тухум, млн. дона</b>	<b>6 111,7</b>	<b>100,0</b>	<b>110,6</b>
шу жумладан:			
фермер хўжаликлари	656,7	10,8	107,0
дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	3 528,2	57,7	113,6
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	1 926,8	31,5	106,6
<b>Жун, тн.</b>	<b>37 053</b>	<b>100,0</b>	<b>102,8</b>
шу жумладан:			
фермер хўжаликлари	2 962	8,0	103,2
дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	31 687	85,5	102,8
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	2 404	6,5	102,2
<b>Коракўл тери, минг дона</b>	<b>1 058,2</b>	<b>100,0</b>	<b>102,2</b>
шу жумладан:			
фермер хўжаликлари	57,6	5,4	103,2
дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	883,3	83,5	102,7
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	117,3	11,1	98,7

Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари улуши гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида 94,4 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 95,7 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 57,7 фоизни ташкил қилди.

**Фермер хўжаликлари.** 2016 йилнинг январь–декабрида фермер хўжаликларида ишлаб чиқарилган дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг ҳажми 15 646,1 млрд.сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,1 фоизга ўсади. Фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмидаги улуши 32,9 фоизни ташкил қилди.

2016 йилнинг 1 январи билан солиштирилганда фермер хўжаликларида йирик шохли қорамоллар 13,1 минг бошга (ёки 2,4 фоизга), сигирлар 4,6 минг бошга (2,4 фоизга), кўй ва эчкилар 84,4 минг бошга (6,0 фоизга), паррандалар 516,8 минг бошга (7,1 фоизга) кўпайган.

2016 йилнинг январь – декабрида фермер хўжаликлари томонидан асосий турдаги дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмлари ва уларнинг умумий ишлаб чиқариш ҳажмларидаги улуши қуйидагича ифодаланади:

	<i>Минг тонна</i>	<i>Ишлаб чиқарииш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида</i>	<i>Ўсиш суръати, фоиз ҳисобида</i>
Бошоқли дон	6 016,9	83,6	99,7
шу жумладан, буғдой	5 848,7	84,3	99,5
Картошка	684,8	23,2	108,3
Сабзавотлар	3 925,7	34,8	113,5
Полиз экинлари	1 013,5	49,5	111,7
Мева ва резаворлар	1 393,2	45,8	110,6
Узум	921,4	53,1	109,2
Гўшт (тирик вазнда)	62,1	2,9	106,4
Сут	349,8	3,6	106,5
Тухум, млн. дона	656,7	10,8	107,0
Жун	3,0	8,0	103,2
Коракўл, минг дона	57,6	5,4	103,2

## ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2016 йилнинг январь–декабрида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажми миллий валютада 49 476,8 млрд.сўмни (АҚШ доллари эквивалентидаги ҳажми – 16,7 миллиард АҚШ долларини) ёки 2015 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 109,6 фоизни ташкил қилди.

Асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмининг ЯИМга нисбати 24,8 фоизни ташкил қилиб, 2015 йилнинг январь–декабрига нисбатан 1,0 фоизга ортди.

2016 йилнинг январь–декабрида мулкчилик шакллари ва молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши куйида келтирилган:

(якунга нисбатан фоиз хисобида)

	Жами	Шу шумладан мулкчилик шакллари бўйича:	
		давлат	нодавлат

**Жами инвестициялар, млрд.сўм** **49 476,8** **8 298,3** **41 178,5**

шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича:			
давлат бюджети маблағлари	2 210,9	22,4	0,9
давлат мақсадли жамғармалари маблағлари	2 340,3	27,5	0,1
корхоналар ва аҳоли маблағлари	26 355,0	19,2	60,1
чет эл инвестициялари ва кредитлари	10 829,2	18,7	22,6
банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	5 091,9	2,6	11,8
Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари	2 338,2	6,2	4,4
Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари	311,3	3,4	0,1

2016 йилнинг январь–декабрида иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар таркиби қўйидагича ифодаланади:

	<i>Млрд.сўм</i>	<i>Умумий ҳажмга нисбатан, фоиз ҳисобида</i>
<b>Жами</b>	<b>49 476,8</b>	<b>100,0</b>
шу жумладан иқтисодий фаолият турлари бўйича:		
<b>қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги</b>	<b>1 548,3</b>	<b>3,1</b>
<b>тоғ–кон саноати</b>	<b>8 704,7</b>	<b>17,6</b>
ундан:		
кўмир ва лигнит қазиб олиш	312,7	0,6
хом нефть ва табиий газ қазиб олиш	7 787,5	15,7
металл рудалар қазиб олиш	307,2	0,6
<b>қайта ишлаш саноати</b>	<b>6 932,2</b>	<b>14,0</b>
ундан:		
озик–овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари	915,3	1,8
тўқимачилик маҳсулотлари ва кийим	885,0	1,8
кимё маҳсулотлари	1 054,2	2,1
резина ва пластмасса буюмлар	423,2	0,9
нометалл минерал маҳсулотлар	949,0	1,9
металлургия	756,7	1,5
металл буюмлар	360,9	0,7
автотранспорт воситалари ва бошқа транспорт ускуналари	253,5	0,5
<b>электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш</b>	<b>2 545,4</b>	<b>5,1</b>


Давоми

	Млрд.сўм	Умумий ҳажмга нисбатан, фоиз ҳисобида
<b>сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндилярни йигиши ва утилизация қилиш</b>	<b>589,6</b>	<b>1,2</b>
<b>қурилиш</b>	<b>2 203,9</b>	<b>4,5</b>
<b>улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш</b>	<b>2 858,2</b>	<b>5,8</b>
<b>ташиш ва сақлаш</b>	<b>5 199,3</b>	<b>10,5</b>
<b>яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар</b>	<b>496,6</b>	<b>1,0</b>
<b>ахборот ва алоқа</b>	<b>1 150,4</b>	<b>2,3</b>
улардан:		
алоқа	1 085,5	2,2
<b>молиявий ва сугурта фаолияти</b>	<b>426,3</b>	<b>0,9</b>
<b>кўчмас мулк билан операциялар</b>	<b>958,0</b>	<b>1,9</b>
<b>профессионал, илмий ва техник фаолият</b>	<b>446,4</b>	<b>0,9</b>
<b>таълим</b>	<b>1 181,4</b>	<b>2,4</b>
<b>соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш</b>	<b>924,0</b>	<b>1,9</b>
улардан:		
соғлиқни сақлаш	898,6	1,8
<b>турар жой бинолари қурилиши, шу жумладан:</b>		
<b>бошқа тоифаларга киритилмаган: турар жой бинолари қурилишига инвестициялар</b>	<b>11 013,2</b>	<b>22,3</b>
<b>санъат, кўнгил очиш ва дам олиш</b>	<b>381,4</b>	<b>0,8</b>
<b>бошқа фаолият турлари</b>	<b>1 917,5</b>	<b>3,8</b>


Алоҳида иқтисодий фаолият турлари бўйича чет эл инвестициялари ва кредитларини ўзлаштириш қўйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоизда

Январь-декабрь  
2015 г.



Январь-декабрь  
2016 г.



- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Хом нефть ва табиий газни қазиб олиш
- Озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш
- Тўқимачилик маҳсулотлари ва кийим ишлаб чиқариш
- Резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш
- Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш
- Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш
- Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш
- Курилиш
- Улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмираш
- Ташиш ва сақлаш
- Ахборот ва алоқа
- Таълим
- Соғлиқни сақлаш
- Бошқа фаолият турлари

### Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

2016 йилнинг январь-декабрида умумий майдони 12 413,5 минг кв.м. бўлган 86,4 мингта уй ёки 88,8 мингта квартира (2015 йилнинг январь-декабрига нисбатан 106,4 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 9 000,6 минг кв.м. (105,1 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди.

Касалхоналар, амбулатория – поликлиника муассасалари ва қишлоқ врачлик пунктларини янги қуриш ва қайта тиклашда 495,3 млрд. сўмлик инвестициялар

ўзлаштирилди ва бу соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасида ўзлаштирилган инвестицияларнинг 53,6 фоизини ташкил қилди.

Олий таълим муассасалари, лицейлар ва касб–хунар коллежларини қуриш ва қайта тиклашда 386,8 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди ва бу таълим соҳасига киритилган инвестиацияларнинг 32,7 фоизини ташкил қилди.

Умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактабларни қуриш ва қайта тиклашда 323,0 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди ёки таълим соҳасига киритилган инвестиацияларнинг 27,3 фоизини ташкил қилди.

Сув қувурлари қурилишига 312,7 млрд. сўм, шундан давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 158,2 млрд. сўм (умумий ҳажмнинг 50,6 фоизи), чет эл инвестициялари ва кредитлари ҳисобидан 101,2 млрд. сўм (32,4 фоизи), аҳоли маблағлари ҳисобидан 31,6 млрд. сўм (10,1 фоизи), корхона, ташкилотлар ва бошқа манбалар ҳисобидан 21,7 млрд. сўм (6,9 фоизи) ўзлаштирилди.


Газ тармоқлари қурилишига 12,9 млрд. сўм, шундан аҳоли маблағлари ҳисобидан 9,7 млрд. сўм (75,2 фоизи), корхона ва ташкилотлар маблағлари ҳисобидан 3,2 млрд. сўм (24,8 фоизи) ўзлаштирилди.

**Қурилиш фаолияти.** 2016 йилнинг январь–декабрида 29 265,8 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати 2015 йилнинг январь–декабрига нисбатан 112,5 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 79,1 фоизи янги қурилиш, реконструкция килиш, кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга, 20,9 фоизи эса капитал, жорий таъмирлаш ва бошқа қурилиш пудрат ишларига тўғри келди.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ишлари таркиби қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоизда




## ТРАНСПОРТ

**Юк ташиш.** 2016 йилнинг январь–декабрида барча турдаги транспортлар томонидан 1 603,6 млн.тонна юк ташилган бўлиб, бу 2015 йилнинг январь–декабрига нисбатан 105,0 фоизни ташкил қилди. Шу билан бирга юк айланмаси 91,2 млрд.тн–км.ни ташкил қилди ёки 2015 йилнинг январь–декабрига нисбатан 4,9 фоизга ўсди.


Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қўйидагича ифодаланади:

	2016 йил январь–декабрь	Ўсиши суръати, фоиз ҳисобида
<b>Ташилган юклар, млн. тн.</b>	<b>1 603,6</b>	<b>105,0</b>
темир йўл транспортида	68,0	101,2
автомобиль транспортида	1 473,4	105,3
ҳаво транспортида, минг тн.	26,7	108,8
кувур йўллари орқали	62,2	103,6
<b>Юк айланмаси, млн. тн–км</b>	<b>91 172,6</b>	<b>104,9</b>
темир йўл транспортининг	23 200,9	101,2
автомобиль транспортининг	35 945,4	106,0
ҳаво транспортининг	135,2	103,1
кувур йўллари орқали	31 891,1	106,4

Транспорт турлари бўйича юк ташиш таркибининг ўзгариши қўйидагича ифодаланади:



юк ташишнинг умумий ҳажмига  
нисбатан фоиз ҳисобида  
Январь–сентябрь  
2016 й.



- Автомобил транспорти
- Кувур йўли
- Темир йўл транспорти
- Жаво транспорти

2016 йилнинг январь–декабрида магистрал темир йўл транспортида асосий турдаги юкларни ташиш қўйидагича ифодаланади:

	<i>Минг тонна</i>	<i>Ўсиш суръати, фоиз ҳисобида</i>
<b>Юклар – жами</b>	<b>68 000,3</b>	<b>101,2</b>
шу жумладан:		
кўумир	3 708,9	93,4
нефть юклари	10 329,0	95,9
ҳар хил рудалар	4 938,2	100,4
қора металлар	861,8	89,8
қора метал темир–терсаклари	699,8	98,4
кимёвий ва минерал ўғитлар	4 293,6	99,8
қурилиш юклари	7 070,8	91,5
цемент	5 539,6	104,0
ёғоч–такса юклари	20,3	43,8
пахта-толаси	530,8	88,5
дон ва янчилган дон		
маҳсулотлари	1 263,8	99,8
бошқа юклар	28 743,7	108,0

Автомобиль транспортида 1 473,4 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2015 йилнинг январь–декабрига нисбатан 5,3 фоизга кўпdir. Юк айланмаси 35,9 млрд. тн–км.ни ташкил қилди ва 6,0 фоизга кўпайди.

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобиль транспортидаги юк айланмаси 2015 йил январь–декабрга нисбатан 7,0 фоизга кўпайди ва 27,4 млрд. тн–км.ни ташкил қилди. Автомобиль транспорти юк айланмасининг умумий ҳажмида якка тартибдаги юк ташувчиларнинг улуши 76,2 фоизни (2015 йилнинг январь–декабрида 75,5 фоизни) ташкил этди.

Ҳаво транспорти орқали 26,7 минг тонна юк жўнатилган бўлиб, бу 2015 йилнинг январь–декабрига нисбатан 8,8 фоизга кўпdir, юк айланмаси 135,2 млн.тн–км.ни ташкил қилди ва 3,1 фоизга кўпайди.

Магистрал қувур йўллари юк айланмаси 31,9 млрд. тн–км.ни ташкил қилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,4 фоизга ортди.

**Йўловчи ташиш.** Барча транспорт турлари томонидан 7 875,0 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич 2015 йилнинг январь–декабрига нисбатан 3,6 фоизга ортди. Йўловчи ташиш айланмаси 4,3 фоизга кўпайиб, 110,5 млрд. йўловчи–км. ни ташкил этди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси қўйидагича ифодаланади:

	<i>2016 йил январь– декабрь</i>	<i>Жамига нисбатан, фоиз ҳисобида</i>	<i>Ўсии суръати, фоиз ҳисобида</i>
<b>Ташилган йўловчилар,</b> <b>млн. киши</b>	<b>7 875,0</b>	<b>100,0</b>	<b>103,6</b>
темир йўл транспортида	20,6	0,3	102,5
автомобиль транспортида	7 795,2	99,0	103,8
ҳаво транспортида	2,1	0,03	94,4
шаҳар электр транспортида	57,1	0,7	88,5
<b>Йўловчи айланмаси,</b> <b>млн. йўловчи–км</b>	<b>110 456,1</b>	<b>100,0</b>	<b>104,3</b>
темир йўл транспортининг	3 923,1	3,5	104,4
автомобиль транспортининг	99 306,0	89,9	104,6
ҳаво транспортининг	6 803,7	6,2	100,3
шаҳар электр транспортининг	423,3	0,4	94,9

Йўловчи ташишда энг катта улуш автомобиль транспортига тўғри келиб, 99,0 фоизни, йўловчи айланмасида 89,9 фоизни ташкил қилди.

Темир йўл транспортида йўловчилар жўнатиш 2,5 фоизга ошди ва 20,6 млн. йўловчини ташкил этди, йўловчи айланмаси 4,4 фоизга ошди ва 3 923,1 млн. йўловчи–км.ни ташкил этди.

Ҳаво транспорти орқали 2 058,5 мингта йўловчи ташилди, бу кўрсаткич 2015 йилнинг январь–декабрига нисбатан 5,6 фоизга камдир, йўловчи айланмаси эса 6 803,7 млн. йўловчи–км.ни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,3 фоизга ўсади.

Метрополитенда йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси 2015 йилнинг январь–декабрига нисбатан, мос равишда, 2,4 фоизга ошди.

## ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ

2016 йилнинг январь–декабрида чакана савдо товар айланмаси 88 033,6 млрд. сўмни ёки 2015 йилнинг январь–декабрига нисбатан 114,4 фоизни ташкил қилди.

2016 йилнинг январь–декабрида чакана товар айланмаси таркиби мулкчилик шакллари бўйича қўйидагича ифодаланади:

	<i>Млрд. сўм</i>	<i>Ўсиши суръати, фоиз ҳисобида</i>	<i>Умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
<b>Жами</b>	<b>88 033,6</b>	<b>114,4</b>	<b>100,0</b>
давлат мулки	114,0	108,0	0,1
нодавлат мулки	87 919,6	114,4	99,9
шундан:			
фуқароларнинг хусусий мулки	66 093,6	120,3	75,1

Йирик корхоналар чакана савдо товар айланмаси 9 166,2 млрд. сўмни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 10,4 фоизни ташкил қилди.

Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг чакана савдо товар айланмаси 17,7 фоизга кўпайиб, 78 867,4 млрд. сўмни, чакана савдо товар айланмаси умумий ҳажмидаги улуши эса 89,6 фоизни ташкил қилди.

Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари товар айланмаси умумий ҳажмида уюшмаган савдо товар айланмаси 12 500,3 млрд. сўмни ташкил қилди ёки ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан 6,6 фоизга ошди. Жами чакана савдо товар айланмаси ҳажмида ушбу сектор улуши 14,2 фоизга teng бўлди.

2016 йилнинг январь–декабрида чакана савдо товар айланмаси таркиби қўйидагича ифодаланади:

	<i>Млрд. сўм</i>	<i>Ўсиши суръати, фоиз ҳисобида</i>	<i>Умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
<b>Жами</b>	<b>88 033,6</b>	<b>114,4</b>	<b>100,0</b>
йирик корхоналар	9166,2	92,0	10,4
кичик тадбиркорлик	78 867,4	117,7	89,6
шундан уюшмаган савдо товар айланмаси	12 500,3	106,6	14,2

**Бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши 2016 йилнинг январь–декабрида қўйидагича ифодаланади:**

	<i>Млрд. сўм</i>	<i>Ўсиш суръати, фоиз ҳисобида</i>	<i>Умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
<b>Жами хизматлар</b>	<b>90 991,7</b>	<b>112,5</b>	<b>100,0</b>
шу жумладан асосий турлари бўйича:			
алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	6 121,2	111,7	6,7
молиявий хизматлар	9 796,7	119,2	10,8
транспорт хизматлари	26 465,7	107,4	29,1
шу жумладан:			
автотранспорт хизматлари	14 677,5	116,4	16,1
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	2 802,8	111,7	3,1
савдо хизматлари	26 157,6	114,7	28,7
кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар	3 361,5	115,8	3,7
таълим соҳасидаги хизматлар	3 281,5	108,3	3,6
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	1 345,9	116,1	1,5
ижара ва прокат хизматлари	2 327,4	117,8	2,5
компьютер ва майший техника товарларини таъмирлаш хизматлари	2 167,5	114,9	2,4
шахсий хизматлар	2 977,3	114,7	3,3
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	1 008,5	112,0	1,1
<b>бошқа хизматлар</b>	<b>3 178,1</b>	<b>111,7</b>	<b>3,5</b>

Ҳисобот даврида молиявий хизматлар 119,2 фоизга, ижара ва прокат бўйича хизматлар 117,8 фоизга, соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар 116,1 фоизга, кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар 115,8 фоизга, компьютер ва майший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар 114,9 фоизга, савдо соҳасидаги хизматлар 114,7 фоизга ошиб, юқори ўсиш суръатларига эришилди.

Хизматлар таркибида энг катта улуш транспорт хизматлари (жами хизматларнинг 29,1 фоизи), савдо хизматлари (28,7 фоизи), молиявий хизматлар (10,8 фоизи), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (6,7 фоизи) ҳиссасига тўғри келди.

## НАРХЛАР

**Нарх индексларининг ўзгариши  
Январь–декабрда**  
(нарх–навонинг ўсиши, фоиз ҳисобида)

	Ўртacha ойлик даражаси		Декабрь ойи ўтган йилнинг декабрига нисбатан	
	2015й.	2016й.	2015й.	2016й.
Истемол нархлари индекси	0,5	0,5	105,6	105,7
Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархларининг индекси	1,1	1,0 <sup>1)</sup>	13,8	13,0 <sup>1)</sup>

**2016 йил январь–декабрда асосий иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат  
маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархларининг индекслари**

	Ўтган йилнинг декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Саноат фаолияти</b>	<b>113,0</b>
<b>Тоғ–кон саноати ва очик конларни ишлаш</b>	<b>103,5</b>
Хом нефть ва табиий газ қазиб олиш	106,5
Металл рудаларини қазиб олиш	96,4

<sup>1)</sup> 2016 йилдан бошлиб ИНИ Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий фаолият турлари таснифлагичига (ИФУТ – 2 таҳрири) мувофиқ ҳисобланган.

*Давоми*

Ўтган йилнинг  
декабрига нисбатан  
фоиз ҳисобида

**Қайта ишлаш саноати** **114,1**

Озиқ–овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	114,1
Ичимликлар ишлаб чиқариш	126,1
Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш	113,3
Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	113,7
Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш	110,0
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариши	124,7
Металлургия саноати	118,2
Машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	118,4
Электр ускуналар ишлаб чиқариш	123,1
Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш	107,3
<b>Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш</b>	<b>114,7</b>
<b>Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йифиши ва утилизация қилиш</b>	<b>103,4</b>

## ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига республика доимий аҳолисининг сони 32 121,1 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 545,8 минг кишига ёки 1,7 фоизга кўпайди. Шундан, 16 238,5 минг киши – шаҳар жойларида (аҳоли умумий сонининг 50,6 фоизи) ва 15 882,6 минг киши – қишлоқ жойларида (49,4 фоизи) истиқомат қиласди.

Январь–декабрда республика бўйича аҳолининг табиий ҳаракати коэффициентлари кўйидагича ифодаланади:

	<i>Минг киши</i>		<i>Ҳар 1000 кишига</i>	
	<i>2015 йил</i>	<i>2016 йил</i>	<i>2015 йил</i>	<i>2016 йил</i>
Тугилганлар	734,1	726,8	23,5	22,8
Ўлганлар	152,0	154,5	4,9	4,8
шузумладан бир ёшгача болалар (ҳар 1000 та тугилганга)	8,3	7,7	11,4	10,5
Никоҳлар, мингта	287,6	275,1	9,2	8,6
Ажралишлар, мингта	29,6	29,4	0,9	0,9

**Туғилиш даражаси.** 2016 йилнинг январь–декабрида тугилганлар сони 726,8 мингтани ташкил қиласди ва 2015 йилнинг шу даврига (734,1 минг киши) нисбатан 7,3 минг кишига камайди. Туғилиш коэффициенти мос равишда 22,8 промиллени ташкил қиласди ва 2015 йилнинг шу даврига (23,5 промиллени) нисбатан 0,7 промилега камайган.

**Ўлим даражаси.** 2016 йилнинг январь–декабрида ўлганлар сони 154,5 мингтани ташкил қиласди ва 2015 йилнинг шу даврига (152,0 минг киши) нисбатан 2,5 минг кишига кўпайди. Мос равишда ўлим коэффициенти 4,8 промиллени ташкил қиласди (2015 йил январь–декабрда – 4,9 промилле).

Ўлганлар умумий сонидан 59,6 фоизи қон айланиш тизими касалликларидан, 9,4 фоизи – ўсма касалликларидан, 6,7 фоизи – бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатлардан, 5,9 фоизи – овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан, 4,9 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 1,9 фоизи – инфекция ва паразитлар билан касалланганлиги сабабли, 11,6 фоизи бошқа касаликлардан вафот этган.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йилнинг январь–декабрида бир ёшга тўлмаган 7,7 мингта болалар ўлими кузатилди. Болалар ўлими коэффициенти 10,5 промиллени ташкил қилди (2015 йилнинг январь–декабрида–11,4 промилле).

Бир ёшгача ўлган болаларнинг умумий сонидан 56,7 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 22,4 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 9,8 фоизи – туғма аномалиялардан, 3,1 фоизи – инфекция ва паразитлар билан касалланганлиги сабабли, 1,9 фоизи – баҳтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатлардан, 0,6 фоизи – овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан, 5,5 фоизи бошқа касалликлардан вафот этган.

**Никоҳлар ва ажралишлар.** 2016 йилнинг январь–декабрида фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида 275,1 мингта никоҳлар ва 29,4 мингта ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 8,6 та (2015 йилнинг шу даврида – 9,2 та) никоҳ ва 0,9 та (2015 йилнинг шу даврида – 0,9 та) ажралишлар тўғри келади.

**Миграция.** Дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йилнинг январь–декабрь ойларида республика бўйича кўчиб келганлар сони 141,7 минг кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 168,3 минг кишини ташкил қилди. Миграция қолдиги минус 26,6 минг кишига (2015 йилнинг шу даврида – минус 29,3 минг киши) teng бўлди.

## БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ БОЗОРИ

**Бандлик.** 2016 йилнинг январь–декабрь ойларида иқтисодий фаол аҳоли сони 14 022,4 минг кишини ёки аҳоли умумий сонининг 44,0 фоизини ташкил қилди.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йилнинг январь–декабрь ойларида иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сони 13 298,4 минг кишини ташкил қилди ва 2015 йилнинг шу даврига нисбатан 1,8 фоизга ошди.

Бандлар сонининг сезиларли ўсиш даражаси ташиш ва сақлаш соҳасида (3,8 фоизга), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида (3,6 фоизга), қурилишда (3,4 фоизга), ахборот ва алоқа соҳасида (3,1 фоизга) кузатилди.

2016 йилнинг январь–декабрида иқтисодий фаол аҳолининг бандлик даражаси (иқтисодиётда банд аҳолининг иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбати) 94,8 фоизни ташкил этди.

Нодавлат секторида жами бандлар улуши 82,3 фоизга етди, бу кўрсаткич 2015 йилнинг шу даврида 82,1 фоизни ташкил қилган.

**Ишсизлик<sup>1)</sup>.** 2016 йил декабрь ойи охирига меҳнат идораларида иш қидиувчилар сифатида рўйхатдан ўтган аҳоли сони 5,0 минг кишини ташкил қилди ва бу кўрсаткич 2015 йилнинг шу даврига (2,7 минг киши) нисбатан 84,0 фоизга кўпайган.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2007 йил 24 майдаги 106–сонли қарори билан тасдиқланган ишга жойлаштиришга муҳтоҷ меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш методикасига асосан аниқланган ишсизлар сони 2016 йил январь–декабрида 724,0 минг кишини ташкил қилди ва иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбатан ишсизлик даражаси 5,2 фоизга teng бўлди.

<sup>1)</sup> Меҳнат вазирлиги маълумотлари асосида